

**“ДОРИ-ДАРМОН” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**“Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасидаги 2023-2025
йиллар учун тузилган икки томонлама Тармоқ жамоа келишувининг
2023 йилда бажарилиши ҳамда ўзгартириш
кiritиш тўғрисида**

“Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2023-2025 йилларга тузилган икки томонлама Тармоқ жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиш яқунлари тўғрисидаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияси баённомасини ҳамда Тармоқ жамоа келишувига киритилаётган ўзгартиришни муҳокама қилиб, “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2023-2025 йиллар учун тузилган икки томонлама Тармоқ жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиши тўғрисидаги Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия баённомаси ахборот учун қабул қилинсин. (Илова қилинади.)

2. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2023-2025 йилларга тузилган Тармоқ жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиши қониқарли деб топилсин.

3. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланиб тузилган Тармоқ жамоа келишувига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

4. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига Тармоқ жамоа келишувини амалда татбиқ этилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компаниясининг тегишли бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳудудий кенгашлари раисларига:

мазкур Тармоқ жамоа келишувининг бажарилишини назорат қилиш ва амалда татбиқ этилишини таъминлаш;

тармоқ таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда жамоа шартномасини тузишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

6. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар иш берувчилари касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда 2023-2025 йилларга мўлжалланган Тармоқ жамоа келишувининг ижросини жойлардаги тегишли жамоа шартномалари орқали амалга оширсин.

7. “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга уларда тузилган жамоа шартномаларнинг 2023 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш (конференция)ларни жорий йилнинг апрель ойигача ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур кўшма қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси Бошқарув раиси У.С.Салихбаева ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Р.Ханапияев зиммаларига юклатилсин.

“Дори-Дармон” Акциядорлик
Компанияси Бошқарув раиси



У.С.Салихбаева

2024 йил

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари қасаба уюшмаси
Республика Кенгаши раиси



Ф.Р.Ханапияев

“Кд” 2024 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI		
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA		
BANDLIK VAZIRLIGI		
№ "20"	03	2024 YIL
№	168 B	

“Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси ва
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика Кенгаши
Ижроия Кўмитасининг 2024 йил
02.02. даги 11-13/120 -сонли ва
13-13 „с“ “с”-сонли қўшма
қарорига

1-илова

**“ДОРИ-ДАРМОН” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЎРТАСИДАГИ 2023-2025 ЙИЛЛАРГА
ТУЗИЛГАН ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ.**

1.3.13.- банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Тармоқ ходимларига 21 календарь кунлик асосий меҳнат таътилига қуйидагича йиллик қўшимча таътил муддатларини белгилаш:

Бошқарув раиси, бошқарув раиси ўринбосари, департамент раҳбари, директорлар, бошқарув раиси ёрдамчиси, бош бухгалтер, бўлим бошлиқлари – **камида 1 календарь кун;**

Бош бухгалтер муовини, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, махсус ва иккинчи омборхона мудирлари, дорихона мудирлари, дорихона филиаллари мудирлари – **камида 1 календарь кун;**

Референт, бош, етакчи ва катта мутахассислар, бухгалтерия, режалаштириш, кадрлар, таъминот, савдо, фармацевтика назоратини ташкиллаштириш, маркетинг, логистика бўлими ва таҳлил лабораторияси ходимлари; махсус, иккинчи омборхона ва дорихона мудирлари ўринбосарлари, дорихона бўлими бошлиқлари, омборхона ва дорихона провизорлари, ҳамда омборхона ва дорихона фармацевтлари – **камида 1 календарь кун.**